

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz | 2016 йил 13 сентябрь • сешанба № 35 (1031)

Адолат ҳар ишда
ҳамроҳимиз ва
дастуримиз
бўлсин!

Ободлик

ЮРТИМИЗ — алломалар, буюк сиймолар, азиз авлиёлар замини. Мустақиллик алломаларимиз, аجدодларимиз номи ва шаънини улуғлади. Давлатимизда эътиқод эркинлиги таъминланди. Азаллий урф-одат ва диний қадриятларимиз тикланди, азиз-авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини ўрганишга шарт-шароитлар яратилди, уларнинг қадамжолари ободонлаштирилди. Бундай ўзгаришларга ҳар кун ҳар қадамда гувоҳ бўлиб бораёلمиз. Ҳар гўшада янгиланишлар, бунёдкорлик юз бераётганини кузатиб турибмиз. Зеро, Бухорода Абдуллоҳиқ Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқандда Имом Бухорий ва имом Мотуридий, Марғилонда Бурхониддин Марғиноний, Тошкент шаҳрида Ҳазрат Имом сингари ёдгорлик мажмуалари яратилди.



Алломалар, буюк сиймолар, авлиёлар юрти

Ўзига хос кўрку таровати, жозибаси билан ажралиб турадиган "Зангиота" жоме масжидига юртимизнинг турли гўшаларидан, дунёнинг турли бурчакларидан минглаб одамлар зиёратга келади. Бугун ҳам зиёратгоҳ доимгидек одамлар билан гавжум. Кекса-ю ёш бугунги бундай ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларидан мамнун ҳолда, дориламон кунларга шукрона айтади.

— Эрталабдан қилинган пок ният, албатта, амалга ошади, — дейди зангиоталик Аваз ота Қосимов. — Ўшим етмиш еттида. Икки асрни қаршилаган инсон сифатида бу ерда амалга оширилган ишларга таҳсин айтаман. Муқаддас қадамжоларнинг юрти обод бўлаётганидан кўнглимиз ёришади. Собик Иттифоқ даврида масжид биноси омборхона эди. Атроф ахлат уюмлари билан тўлиб-тошган. Бугунгидек зиёратчилар қаерда дейсиз. Ичкарига киришга руҳсат берилмасди. Диний маросимлар ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади. Ҳозирчи, мажмуага кирсангиз кўн-

лингиз ором толади. Рухингиз энгил бўлади. Қаранг, зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Бу жойлар обод гўшага айланди. Бундай гўзалликнинг мейморига таҳсин айтамыз.

Дарҳақиқат, бугун зиёратгоҳ янгича кўринишга, обод масканга айланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 октябрдаги 322-сонли қарорига кўра, Зангиота зиёратгоҳи тубдан қайта реконструкция қилиниб, ажойиб комплекс бунёд этилди. Шу билан бирга мажмуага туташ ҳудудларда ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Мажмуа ҳудудида 1000 ўринли янги масжид биноси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакилликнинг биноси, таҳоратхона, эски ҳовуз ўрнига 2 та фаввора, 4 та миллий услубда лойиҳалаштирилган шийпон, тегишли коммуникация тармоқлари (иссиқлик, ичимлик суви, оқова-чиқинди суви, электр, алоқа, ёритиш), ерости ўтиш йўли, автоўтаташ жойи, 50 ўринли 3 қаватли меҳмонхона, 70 ўринли чойхона, икки

қаватли минимаркет ва бошқа ўндан ортиқ миллий хунармандчилик савдо дўконлари, новвойхона, замон талабига жавоб берадиган 50 ўринли деҳқон бозори, ошхона қуриб битказилди.

Мажмуага кириш дарвозаси қайта қурилди, чегара деворлари янгитдан тикланди. Қадимги мадраса биноси тўла таъмирдан чиқарилди. Ҳовлидаги эски минора олиб ташланди, янги масжид олдида янги, баландлиги 31 метр бўлган минора қурилди. Зангиота ва Анбарбиби мақбаралари ҳам буткул таъмирланди. Мажмуадаги 5 та гумбаз қайта тикланди.

500 метр масофада 6 қаторли йўл қурилиш ишлари ва икки ҳудудни боғловчи ерости ўтиш йўли қурилди. Мажмуа ҳудуди кенгайтирилиб, кўкalamзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Зиёратгоҳ атрофи ободонлаштирилиб, йўллар кенгайтирилди. Ҳозирда бу ер нури масканга айланди.

— Асли тожикистонликман. Ховос туманига турмушга чиққанман. Отам ўн йилдан буён

Буюк соҳибқирон бобомиз аввал Занги отага, ундан сўнг Аҳмад Ясавийга мақбара қурдиради. Мирзо Улуғбек эса орадан қирқ йил ўтгач, бобоси қурдирган бу муқаддас обидани қайта таъмирлаб, унинг кўркига кўрк қўшади.

ушбу зиёратгоҳга келиб-кетди. Яқинда келганида бу маскан кишини ҳайратга солар даражада ўзгариб кетганидан, кўплаб қулайликлар яратилганидан, зиёратгоҳ янада обод гўшага айланганидан хурсанд эканлигини тўқинлиб сўзлади, — деди Ҳафиза Кўпаева.

— Андижондан оиламиз билан зиёратга келдик, — дея суҳбатга қўшилди Халимаҳон ая Эрназарова. — Дарвозадан кириб келишдан баҳри дилингиз очиларди. Гиламдек тўшалган ям-яшил майсалару, атроф табиати кишига ҳузур бағишлайди. Бу ердаги ободликдан кўнглингиз кўтариларди. Хона ҳароратини мўътадил сақловчи совуттичлар ўрнатилган. Қишда пол иссиқ, Диний одаларимизни бажариш учун шарт-шароитлар муҳайё. Зиёратгоҳ янада кўркамлашган, чиройига-чирой қўшилган.

Юртининг юксак ютуқлари

- 1** Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда sanoatning улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охириги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.
- 2** Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради. Бунинг яққол исботи сифатида мамлакатимизда қурилган ва ўз кўлами бўйича жаҳон миқёсида ҳам йирик ва ноёб ҳисобланган sanoat объеклари, хусусан, Устюрт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калий ўғитлари заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобилсозлик заводларини мисол қилиб келтириш мумкин.
- 3** Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш даражаси кўпайди: гўшт, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотлар — 1,5 баробар, сабзавот — 2,6 баробар, мева — 6,3 баробар ошди.
- 4** Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда.

Таҳлил

МАМЛАКАТИМИЗДА қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатилган ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлди.

ТАДБИРКОР

иқтисодиёт таянчи, у қонун ҳимоясида



Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини энгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъриёй-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортмиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди.

Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти кафолатларини кучайтириш масаласини ҳал этишда суд органлари ролини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Судлар тегишли даъво аризаси кўриб чиқилаётган пайтда тадбиркорлик субъекти назорат органининг қароридан норози бўлса, унинг ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга бўлди.

Агар тадбиркорлик субъекти солиқ ва бошқона қонунчилигини бузган бўлса, унинг мулк фақат суд қарорига биноан мусодала қилиниши мумкинлигини белгилайдиган қонун нормаси жорий этилди, даъво аризасини кўриб чиқиш муддатлари ҳам сезиларли равишда қисқартирилди.

Энди микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари фаолияти эса уч йилда бир марта режали тартибда текширилади ва бун-

Адлия органларида ташкил этилган махсус 1-008 рақамли "Ишонч телефони" тадбиркорлик субъектларига ўзларининг бузилган ҳуқуқларини зудлик билан тўғридан-тўғри билдириш учун мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтирди.

дай текширувлар фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши бўйича мутлақо янги механизм жорий этилди. Унга кўра, ушбу тармоқлар ишини юритадиган ташкилотларнинг ҳудудий корхоналарига техник шартларни олишдан тортиб муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишгача бўлган барча жараёнларни амалга ошириб, уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш ваколатлари берилди.



Алломалар, буюк сиймолар, авлиёлар юрти

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Келиб-кетувчиларнинг қадами узилмай-диган масканга айланган. 9 нафар фарзанднинг онасиман. Уч ўғлим ҳарбий билим юртини тугатди. Зиёратларимда шундай замонда яшаётганимга шукр қиламан. Шу билан бирга юртимиз тинч бўлишини, тинчлик учун сергак турган фарзандларим тану жони соғ бўлишини сўрайман.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур зиёратгоҳга келганларнинг ҳар бирининг кўнглидан ўтаётган ёруғ ўй-фикрларни уларнинг юзидан акс этган шукроналикдан ҳис этдик.

ЗАНГИОТА ЗИЁРАТГОҲИ ТАРИХИ

XV асрга оид меъморий ёдгорлик ҳисобланган Зангиота зиёратгоҳи нафақат республикамизда, балки Урта Осиё мамлакатлари халқлари орасида ҳам машҳурдир. Мажмуанинг бундай номланиши Ойхожа ибн Тошхўжа исми шахс номи билан боғлиқ бўлиб, одамлар орасида "Занги ота" (яъни "қорачадан келган") номи билан машҳур бўлган. Шайх Арслонбобнинг авлоди (эвараси) бўлган бу зот Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза маҳалласида туғилиб ўсганлиги ҳақида таҳминлар бор. Зангиота ва унинг издошлари халқ орасида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адлу инсоф, поклик, яхшилик, меҳр-шафқат, ҳудудийлик каби умуминсоний ғояларни тарғиб қилган. Зангиотанинг мурид ва шо-

гирдлари, хусусан, Ҳасан ота, Сайид ота, Садр ота ва Бадр ота ислом динининг ёйилишига ҳисса қўшган. Зангиота чўпонлик қилиб, ҳалол ризқ топиб ҳаёт кечирган.

Зангиота мақбарасини XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур қурдиргани ҳақида ҳам куйидаги ривоятлар юради. Амир Темур Самарқандда бунёдкорлик ишларини ниҳоясига етказгач, Аҳмад Яссавийга мақбара қурдириш учун Туркистонга ўтди. Қурилиш ишлари бошланади. Бироқ мақбара юқорилаганида кулаб тушверади. Бу ҳолат бир неча марта такрорланади. Шунда Соҳибқирон туш кўради. Тушида оппоқ соқолли киши Занги отани чақалоқлигида Амад Яссавийга олиб бориб, суюнчи сўралганида, авлиёлар султони чақалоққа суюнчи қилиб берган фотиҳа — қароматни эслатади. "Дунёдаги барча яхши ишлар борки жияним Ойхожага бўлмай, ундан ортгани менга бўлади. Мендан олдин шу гўдакка мақбара қурилмай. Бунинг учун бир оқ туяни олиб, яхши ният билан йўлга қўйиб юборасиз ва ортидан кузатиб борасиз. У, албатта, Занги отанинг қабрини топиб беради". Мана шу қароматга асосланган ҳолда буюк соҳибқирон бобомиз аввал Занги отага, ундан сўнг Аҳмад Яссавийга мақбара қурдиради. Мирзо Улуғбек эса ордан қирқ йил ўтган, бобоси қурдирган бу муқаддас обидани қайта таъмирлаб, унинг кўрғига-кўрк қўшади.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ТАДБИРКОР

Иқтисодий таянчи, у қонун ҳимоясида



(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий фодасини топмоқда. Ўтган йилнинг октябр ойида Жаҳон банки "Биз-нес юритиш" рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

Шуни алоҳида қайд этиш ло-

ғи кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиги мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқайтгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик берган имкониятларнинг яққол исботидир.

Шуни алоҳида эътироф этиш

тўғридан-тўғри билдириш учун мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтирди.

Ўтган даврда тадбиркорлик субъектларидан 419 та мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 321 таси ёки 76,6 фоизи кўриб чиқилиб ҳал этилди.

Жумладан, Фарғона шаҳридаги "Гипократ Дента" хусусий фирмаси раҳбарининг асосси равишда 1222,02 минг сўм маблағ ортқича ҳисобланиб электор таъминотидан узилганидан норози бўлиб "Ишонч телефони"га қилган мурожаатини ўрганиш натижаси бўйича адлия бошқарма-

Тадбир

"Ягона дарча" қулай восита

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Адлия вазирлигининг ташаббуси билан Тошкент вилоят адлия бошқармасида "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш марказларининг фаолият самардорлигини оширишда адлия органларининг роли" ҳамда "Норма ижодкорлиги, қабул қилинган қонунларни ижро қилар ва аҳолига етказиш, шунингдек, уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш" мавзуларида бўлиб ўтган ўқув-семинар тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда мавжуд қонунларнинг ижросини сўзсиз таъминлашига бағишланди.

Таъкидланганидек, вилоятда ташкил этилган "Ягона дарча" марказлари ходимларининг тариф разрядлари Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатувчи ягона марказларининг намунавий тузилмаси"га мослаштириш юзасидан туман, шаҳар ҳокимликларининг қарорлари қабул қилинди. "Ягона дарча" марказлари бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларнинг олдини олиб, тадбиркорларга қулайлик яратмоқда.


Шунингдек, тадбир давомида белгиланган вазифаларни амалга оширишда аҳолининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини уларга етказишда маърифий тарғиботнинг таъсирчан усулларида фойдаланиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Рашид КўЧАРОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

"Ягона дарча" марказлари бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларнинг олдини олиб, тадбиркорларга қулайлик яратмоқда.

Жараён

МАМЛАКАТИМИЗ ўз олдига фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни мақсад қилиб олган экан, пировардида бу жамиятнинг тараққий топиши фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига бевосита боғлиқдир.



Дарҳақиқат, очик, эркин фуқаролик жамияти шароитида жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданияти юксаклиги муҳим аҳамият касб этади. Сабаби жамият тараққийотига асос бўладиган муҳим омиллардан бири ҳуқуқий маданиятнинг юксаклигидир. Ҳуқуқий маданияти юксак инсон, ижтимоий-сиёсий фаол, ислохотларга нисбатан дахлдорлиги юқори бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан Адлия вазирлиги раислигида 23 та давлат бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари раҳбарларини бирлаштирган Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идораларо Кенгаш тузилди.

Кенгаш томонидан давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, судлар ҳамда жамоат бирлашмалари билан меморандумлар имзоланди; конференция, семинар, давра суҳбатларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича услубий қўлланма яратилди; аҳоли билан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни амалга оширишда омма-

вий ахборот воситалари, шу жумладан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.

Тарихга назар соладиган бўлсак, қадим замонлардан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи муҳим аҳамият касб этиб келган. Жумладан, қадимги Юнонистон ва Римда қонунларни ўргатиш, уни тарғиб қилиш давлатнинг муҳим ишларидан бири ҳисобланган. Рим давлатида 14 ёшдан кичик бўлган болалар "XII жадал" қонунларини ёд олишган.

Шарқ халқларида қадим-қадимдан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тафаккур тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратиб келинган. Буюк мутафаккир олимларимиз Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон", фикшуннос олим Бурхониддин Марғинонийнинг "Хидоя", Амир Темурнинг "Темур тузуклари" асарларида қонун ва қондаларнинг, ҳуқуқнинг давлат ва жамият бошқарувидаги аҳамияти юксаклигига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

тўғрисидаги ғоя мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз томонидан илгари сурилган эди. Демократик ҳуқуқий давлатда қонун устуворлиги таъминланади. Қонун устуворлигини таъминлашда эса, биринчи навбатда, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксак бўлиши талаб этилади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда бугун аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича қатор амалий ишлар қилинмоқда. Кези келганда айтиб ўтиш керак, ҳуқуқий маданият фуқароларнинг нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқларини аниглаб этиши, улардан оқилона фойдаланиши, балки зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни ҳам чуқур ҳис қилишидир. Ҳуқуқий маданияти юксак бўлган одам қонунларни, жамиятдаги урф-одат ва ахлоқ меъёрларини ҳурмат қилади, уларга оғишмай риоя этади, шу билан бирга ҳуқуқбузарликларни содир этишдан ҳам тийилади.

Давр талабидан қалиб чиқиб, бугунги кунда ҳуқуқий ахборотни интернет тармоғи орқали етказиб бериш амалиёти ҳам кенг йўлга қўйилди. Интернет тармоғида "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси" — "Lex.uz"нинг яратилгани аҳолига ҳуқуқий ахборот

етказиб бериш борасидаги ишларни янада жонлантирди. Ўзбек ва рус тилларида 40 мингга яқин ҳужжат жамланган ушбу базадан рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сонини 69 мингга ташкил этган бўлса, бир кунда 6 минг нафардан ортқича ҳуқуқий маълумотий шахслар беғул фойдаланмоқда.

Дарҳақиқат, миллий ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш ва шу жумладан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотлар ҳар бир шахснинг манфаатига хизмат қилаётгани, онгу шууримиздан чуқур жой олган азалий ва замонавий миллий қадриятларнинг амалий фодасидир.


Зеро, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўлланма чора-тадбирлар дастурининг амалиётга жорий этилиши барча эзгу мақсадларимизнинг қалитидир.

Баҳодир ИСМАИЛОВ,
Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори

Истиқлол имкониятлари

МАМЛАКАТИМИЗ инсоният тарихининг учинчи минг йиллигига мустақил давлат сифатида қадам қўйиб, икки аср чорраҳасидаги сўнгги йигирма беш йил том маънода Ватанимиз узра ҳуррият қўёши балққан шарофатли давр сифатида мозий саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Ортта назор ташлар эканмиз, босиб ўтилган йўл, эришилган ютуқларни сарҳисоб қилганда, тарихан қисқа даврда бозор иқтисодиёти тамоилларига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг, кучли фуқаролик жамиятининг мустақам пойдевори яратилганига амин бўламиз.

Ўзбекистон: эришган ва эришаётган ютуқлар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда



Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси дастуриламал бўлиб, аслида унинг тамал тоши истиқлолнинг дастлабки йилларида қўйилганини бугун дунёнинг танқидий сўбатшунослари ҳам алоҳида таъкидламоқда. Унинг замон талабини ахс эттирган илғор гоё ва ташаббуслар маъмури сифатида кенг ўрганилаётганнинг боиси ҳам шунда. Буни дунёнинг айрим давлатларида қўлланганини таъкидлаётган бир

Ўтган йигирма беш йил тамаддун тарихи қаршида жуда оз муддат, албатта. Бироқ шу фурсат ичида кенг янгилиниш ва бунёдкорлик, муҳими, халқимиз онгу тафаккурида бўлаётган ўзгаришлар, жумладан, маънавий юксалиш, коммуналлик интилиш каби фазилатларнинг чуқур илдиз отаётганлиги, миллий истиқлол гоёларига садоқат туйғуларининг собитлиги бўлиб, бу эса, ҳеч шубҳасиз, уларни мустақиллигини мустаҳкамлашга, фидойилик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатишга чорламоқда.

лохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Албатта, буларнинг барчаси истиқлол туфайли инсон омили, унинг манфаатлари устувор тутилганлигининг амалий ифодасидир. Уни мамлакатимизда миллатлараро тугувлик мисолида изоҳлайдиган бўлса, бу борадаги аъналар авлоддан-авлодга ўтиб, мустақиллик йилларида миллатлараро тугувлик республикамиз қўлга киритган энг катта ютуқлардан биридир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси дастуриламал бўлиб, аслида унинг тамал тоши истиқлолнинг дастлабки йилларида қўйилганини бугун дунёнинг танқидий сўбатшунослари ҳам алоҳида таъкидламоқда. Унинг замон талабини ахс эттирган илғор гоё ва ташаббуслар маъмури сифатида кенг ўрганилаётганнинг боиси ҳам шунда. Буни дунёнинг айрим давлатларида қўлланганини таъкидлаётган бир

жабҳаларида ривожланиш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, халқаро ҳамжамиятда давлатимиз нуфузини юксалтириш ва энг муҳими, тинчлик, осойишталик барқарор бўлган эркин фуқаролик жамиятини қуриш даври бўлди. Мамлакатимизда олиб борилган барча ислохотлар ташхис қўйиб, мулкдор бўлиш (хусусий мулкни қўллаш), тадбиркорликни ривожлантириш каби ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ илҳол ислохотлар натижасида фуқаролик жамиятда ўзини нафақат эркин ҳис этмоқда, балки мамлакатимизни модернизация қилишда бунёдкор кучга айланмоқда.

хар томонлама самарадорлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилганлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, 1990 йилда Давлат бюджетининг 17,9 фоизи таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 34,2 фоизга ортиб, мамлакатимиз йиллик ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ҳам бундан далolat беради.

Мамлакатимиз эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, АКШнинг Колумбия университети таниқли социологлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти каби халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган статистик маълумотлар ва социологик тадқиқотлар натижалари асосида тузилган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингини эълон қилинди. Бу рейтингда Ўзбекистон 158 та мамлакат орасида 44-поғонада, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида эса биринчи ўринда қайд этилган. Бундан ташқари, бизнинг мамлакатимиз "Бахт индекси" ҳар йилги ўсиш кўрсаткичида биринчи ўнлик давлатлари қаторидан ўрин олган.

Улуғлик калити

Шарқнинг ҳикматлар хазинаси

АБУ НАСР ФОРОБИЙ



Хукмдорлар дорини беъморийнинг севили ва кўп тановул қиладиган таомига қўшиб ичирадиган маҳоратли табиғга ўшамоқлари лозим. Зеро, меҳру муҳаббат ва рағбатлантиришлар фуқаролар билан муомаланинг энг асосий усулидир.

Бир кун Форобийдан сўрадилар: — Кимнинг билими кучлироқ: сеникими ё Арастуникими?

Форобий шундай жавоб қайтарди: — Мен ўша замонда яшаб, у билан учраганимда ва унинг қўлида таҳсил олганимда эди, унинг энг яхши шогирдлари сафидан жой олган бўлардим.

АМИР ТЕМУР



Ҳамишалиғ таъкид этур эдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадои бўлсанг-да боғ ярат — бир кунмас-бир кун мевасини татирсан...

Малоҳидларга айтур эдим: ёлғон сўзлар бирлан газаб ўтини алангалатмангиз...

Пиру комил шайх Баҳоруддин Нақшбандийнинг: "Қам егин, қам уқла, қам гапир", деган панду насихатларига амал қилдим. Арқону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: "Қам енлар — оначчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, қам уқланглар — мукамалликка эришасизлар, қам гапиринглар — доно бўласизлар".

АЛИШЕР НАВОЙИ



Нафъинг агар халққа бешақдур Билки, бу нафъ ўзунга кўпрақдур.

Илми ким воситай жоҳ этар, ўзинию халқни гумроҳ этар.

Ўз вужудинга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.

Халойиққа кўрма қилиб бенаво, Ўзинга раво кўрмагани раво.

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус алоҳисларига ТАНАЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти Сангиота туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус алоҳисларига ТАНАЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Коракалпоғистон Республикаси Беруний туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Амударё туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилояти Қоровулбозор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Жиззах вилояти Пахтакор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қосон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Нишон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Навоий вилояти Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Учқудук туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти Тўрақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Денов туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Олтиариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- 1. Комиссия номига ариза;
2. Ўқув сертификат;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
4. Меънат дафтаридаги нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусха;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

Танловда йигирма беш ёшдан юқиб бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича ҳамда уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировани ўтаган, маълум илтифотини тошқирган Ўзбекистон Республикаси Фуқароси илтироқ этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қоракалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охири санаси 2016 йил 12 октябрь) Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 30 августдаги 143-ум.сонли буйруғига асосан Солеҳа Худойберди Абдулғаффар бошқарма томонидан 2009 йил 25 майда берилган СИ 000605 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини Бериш лицензиясини амал қилиши ва адвокатлик маълуми тасдиқлади.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси жамоаси Бухоро вилоят адлия бошқармаси Фахрийлар кенгаши раиси И.Мардоновга турмуш ўртоғи Муҳаббат МАРДОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси жамоаси Вобкент туман ФХДБ бўлими мудири Н.Жаҳоновга отаси Изаат ЖАХОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилоят адлия бошқармаси жамоаси Поп туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Олимжон Каттаҳаевга турмуш ўртоғи Насиба ТИЛЛАЕВАНING вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Хусусан, сўнгги 5 йилда ёшлар учун мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан ортиқ сузиш ҳавзалари қуриб, реконструкция қилинди.

шароитда Президент ваколатларининг бир қисми давлат ҳокимиятининг бошқа субъектларига ўтказиш ташаббусининг илгари сурилгани Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида фуқаролик жамиятини ривожлантиришга бирламчи масала сифатида эътибор қаратилаётгани билан изоҳламоқ жоиз. Бу — ҳокимиятлар бўлишини таъминлашнинг алоҳида таъкидлаётган бўлиши билан изоҳламоқ жоиз. Бу — ҳокимиятлар бўлишини таъминлашнинг алоҳида таъкидлаётган бўлиши билан изоҳламоқ жоиз.

ли, мамлакат ҳудудиди эркин ҳаракатланиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод ҳақида виждон эркинлиги каби табиий, яъни инсон туғилганидан кейин бутун ҳаёти давомида фойдаланиши зарур бўлган ҳуқуқлари, шунингдек, жамият ва давлатни бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этиш, жамоат билан бирлашмаслари (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг бошқа турларида) иштирок этиш, бевосита ва бошқалар билан биргаликда тегишли жойларга муражаат қилиш каби сиёсий ҳақида мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, қариганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш, маълумоти таъминот олиш, малакали табиий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш каби ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ўз ифодасини топгани ва булардан фуқарола-

лим олиш ҳуқуқини (Қадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилгани, 12 йиллик мажбурий таълим олишга эришганимиз) ёки ҳар бир шахснинг малакали табиий хизматдан фойдаланиш (замонавий асбоб-ускуна ёки жиҳозлар ёрдамида ташхис қўйиш), мулкдор бўлиш (хусусий мулкни қўллаш), тадбиркорликни ривожлантириш каби ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ илҳол ислохотлар натижасида фуқаролик жамиятда ўзини нафақат эркин ҳис этмоқда, балки мамлакатимизни модернизация қилишда бунёдкор кучга айланмоқда.

ро танлов, мусобақа ва ареналарда эришаётган ютуқлари қисқа даврда биз ўзимизни ўтмиш билан эмас, ривожланган мамлакатлар марралари билан қиёслашимизга имкон беради. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда ёш авлоднинг жиҳмонан соғлом, руҳан тегиш, интеллектуал жиҳатдан етуқ бўлиб қамол топиши, ҳар томонлама билим олиши ва касб эгаллаши учун барча имкониятлар яратилганлигининг самарасидир. Хусусан, сўнгги 5 йилда ёшлар учун мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан ортиқ сузиш ҳавзалари қуриб, реконструкция қилинди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда улзуксиз таълимнинг жадал ривожланиб бораётган иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун зарур мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган ўзига хос тизим яратилишига эришилди. Айниқса, амалга оширилаётган ишларнинг

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" этиб эътироф этилган юртимизда унда яшовчи халқлар, энг аввало, ёшларда юксак ҳуқуқий маданиятни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш, фуқароларнинг қонунга итоаткорлик туйғусини янада оширишга хизмат қилиш баробарида мустақиллигимизнинг улугворлиги, эртанги кунимизга бўлган ишончи ва интилишини янада кучайтириши шубҳасиздир.

Адҳамжон КАРИМОВ, Аддикон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Эркинлик

МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб жойларда "Ўзгал ва бетакорримсан муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним" шиори остида кенг қўламли турли тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда мустақиллик берган имкониятлар, хусусан, истиқлолнинг халқимизга беқиёс туҳфаси бўлиши эътиқод ва виждон эркинлигининг мазмун-моҳияти ҳақдаги мисоллар билан очиб берилди.

Тарихдан бизга яхши маълумки, собиқ иттифоқ даврида муқаддас динимиз, оёқости қилинди. Жумладан, улуг аждодларимиз мангу қўним топган масканлар ҳаробага, масжидларимиз минерал ўғит сақланадиган омборларга айлан-тирилди. Қадимий осорию тикаларимиз ва маданий мерос объектларимизга жуда катта талафотлар етказилди. Ўз отасининг жанозаси ва фотиҳасида иштирок этгани учун айрим ватандошларимиз партия сафидан чиқарилиб, сазойи қилинди. Мустақиллик шарофати билан эътиқод ва виждон эркинлиги таъминланиб, бу борада кенг имкониятлар эшиги очилди. Бу эса Бозор муқомисиз-

нинг 31-моддасида "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди", дея ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, эътироф этиш лозимки, истиқлолнинг ўтган чорак асри мобайнида яратилган бу имкониятлардан фарғоналик юртдошларимиз ҳам тўла баҳраманд бўлдилар. Яъни, виждонимизда масжидлар сони 198 тага қўлайиб, уларнинг аксарияти янгидан қурилди ва муқамал таъмирланди. Ҳозир айни масканларда барча шарт-шаро-

Эътиқод ва виждон эркинлиги истиқлолнинг беқиёс туҳфаси

итлар мавжуд. Ваҳоланки, шўро замонида Кўкон, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида бор-йўғи 4 тагина масжид бор эди ҳолос.

Айни пайтда республикамизнинг барча вилоятларида диний ва дунёвий билимлардан мукамал сабоқ берувчи ўрта-маҳсул ислом билим юртлири, пойтахтимизда эса Имом Бухорий номидаги ислом институти ҳамда Тошкент ислом университети фаолият юритмоқда. Шунингдек, "Мовароуннаҳр" нашриётида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси муассислигидаги "Ҳидоят" журнали ва "Ислом нури" газетаси чоп этилиб, кенг ўқувчилар оммасига етказилмоқда. Илгари телевидениеда диний-маърифий кўрсатув намоёйиши у ёқда турсин, динга оид бирор илиқ гап айтилмаган. Бугун эса "Ўзбекистон" телерадиоканалида "Ҳидоят сари" кўрсатуви ва Тошкент ислом универ-

ситетининг "Зиё" студияси маънавий-маърифий чиқишлари эфирга узатишмоқда. Ҳар йили минглаб ватандошларимиз муборак Ҳаж зиёратига муваффақ бўлмоқда.

Бундан ташқари, муборак Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунини умумхалқ байрами, дея эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, рамазон ойи миллий-диний қадриятлар асосида кўтаринки қайфиятда ўтказилиб келинмоқда. Мазкур ойда матбуот нашрларида чоп этилаётган мақолалар ва телерадиоканалларда эфирга узатилаётган кўрсатув ҳамда эшиттиришлар орқали ҳамюртларимиз мунтазам равишда маънавий озуқа олишмоқда. Аммо истиқлол йилларида диёримиздаги фаровонлик ва ҳукм сураётган барқарорлиқни

қўролмаган айрим қора кучлар диний ниқоб қилиб олиб, тинчлик-осойишталигимизга раҳна солишга ҳам уринди. Буни халқимизга хос ҳамжихатлик ва бағрикенглик билан енгиб ўтдик. Шундай экан, сайёрамизнинг турли минтақаларида юз бераётган низолар, инсонийлик меъзоларига зид бўлган қўп-қўпчилик ҳаракатлари ва бошқа фитналардан сабоқ чиқариб, бугунги дорилламон кунлар ҳамда тўйин-сочин ҳаётнинг қадрига етишимиз, уни кўз қорачигимиздек авайлаб-асрашимиз, фарзанду набираларимизни эса фидойи, Ватан равнақи-га камарбаста инсонлар этиб тарбиялашимиз шарт.

Турсунтоҳир ЭРБЎТАЕВ, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби

Ўтли ўғитлар

ЭЙ ФАРЗАНД, билгилким, ақл юзасидин фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким, унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман, деб кўнглиннга келтурмағил, билгилки, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар. Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдин холи бўлмағусидур. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлмай ва ҳам фармон бўлмай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул важдин ота-онанинг сагал ҳам ранжитмағил.

буларнинг ёнида юриб, бир оз фурсатда от устида юришнинг барча илмин ўргандим ва ҳунарларини билдим. Ундин сўнг Манзар соҳиб ва Райхон ходим мени отамнинг олдида олиб бориб дедилар: "Эй амир, агар рухсат берсангиз эрта тонгда саҳрода фарзандингиз амрзода ўйнаса, сиз унинг барча ўрганган ишларин кўрсангиз". Амир "Кўп яхши бўлур!" — деди. Мен иккинчи кун ҳар на билгон илмим ва ҳунаримни отамга намойиш қилдим, отам ҳожиб ва ходимга яхши хилатлар* инъом қилди. Ундин сўнг уларга деди: "Фарзандимга ўргатгон ишларингизни барчасин яхши билибдур, ҳунарларнинг яхшисин ўргатмишсизлар, лекин яна бир зарур ҳунар қолибдур". Улар дедилар: "Ул на ҳунардур?" Отам деди: "Бу ўргатгон ҳунаралингизни зарур вақтда фарзандим учун бошқалар ҳам қила олур, лекин унинг ўзи қиладур, унинг учун бошқалар қила олмайтургон ҳунар қолибдур". Улар: "Ул қайси ҳунар?" дедилар. Амир: "Сувда юзмақдурким, бундай ишни фарзандим учун ҳамма одамлар қила олмас", — деди. Шундин кейин икки маллоҳни, яъни икки кемачини келтуриб, мени уларга топширди. Улар менга юзмақ ҳунарин ўргатдилар. Мен каробит* била ул ишга машғул бўлдим ва яхши ўргандим. Бир вақт бир неча киши била кемага кириб (ўтириб), Дажла дарёсидин ўтар бўлди. Тогга отлиг жойда гирдоб бор эрди ва хавфлиг жой эрди. Устод кемачилар ундин кўп машаққатлар била ўтар эрдилар. Биз кема била ўша жойга етушдик. Аммо кемачи уста эрмас ва кемани нечқу сурарини билмади. Алқисса, йигирма етти чоғлик киши барча бирдан фарқ бўлди. Аммо мен ва бир киши, яъни менинг ғуломим, уни зийрак Кайковус дер эрдилар, сузуб

улларнинг ёнида юриб, бир оз фурсатда от устида юришнинг барча илмин ўргандим ва ҳунарларини билдим. Ундин сўнг Манзар соҳиб ва Райхон ходим мени отамнинг олдида олиб бориб дедилар: "Эй амир, агар рухсат берсангиз эрта тонгда саҳрода фарзандингиз амрзода ўйнаса, сиз унинг барча ўрганган ишларин кўрсангиз". Амир "Кўп яхши бўлур!" — деди. Мен иккинчи кун ҳар на билгон илмим ва ҳунаримни отамга намойиш қилдим, отам ҳожиб ва ходимга яхши хилатлар* инъом қилди. Ундин сўнг уларга деди: "Фарзандимга ўргатгон ишларингизни барчасин яхши билибдур, ҳунарларнинг яхшисин ўргатмишсизлар, лекин яна бир зарур ҳунар қолибдур". Улар дедилар: "Ул на ҳунардур?" Отам деди: "Бу ўргатгон ҳунаралингизни зарур вақтда фарзандим учун бошқалар ҳам қила олур, лекин унинг ўзи қиладур, унинг учун бошқалар қила олмайтургон ҳунар қолибдур". Улар: "Ул қайси ҳунар?" дедилар. Амир: "Сувда юзмақдурким, бундай ишни фарзандим учун ҳамма одамлар қила олмас", — деди. Шундин кейин икки маллоҳни, яъни икки кемачини келтуриб, мени уларга топширди. Улар менга юзмақ ҳунарин ўргатдилар. Мен каробит* била ул ишга машғул бўлдим ва яхши ўргандим. Бир вақт бир неча киши била кемага кириб (ўтириб), Дажла дарёсидин ўтар бўлди. Тогга отлиг жойда гирдоб бор эрди ва хавфлиг жой эрди. Устод кемачилар ундин кўп машаққатлар била ўтар эрдилар. Биз кема била ўша жойга етушдик. Аммо кемачи уста эрмас ва кемани нечқу сурарини билмади. Алқисса, йигирма етти чоғлик киши барча бирдан фарқ бўлди. Аммо мен ва бир киши, яъни менинг ғуломим, уни зийрак Кайковус дер эрдилар, сузуб

чидик. Бу воқеадин сўнг отамнинг меҳри кўнглимда беҳад зиёда бўлди, садақалар бердим ва кўп дуолар қилдим. Мен отамнинг бошига ҳам шундай иш тушгонин билмас эрдим. Шунинг учун менга юзмақ ҳунарин ўргатгон эркан.

Бас, керакдурким, ҳар турлик фазл ва ҳунарни фарзандингга ўргатгайсан, то оталик шафқати шартин бажо келтурмуш бўлгайсан. Киши бошига на иш тушарин билмағусидур, фазл ва ҳунар ишга яратғусидур.

Демак, фарзандингга ҳунар ва фазл ўргатмақда тақсир қилмағил ва ҳар илми ўргатувчи муаллимлар таълим учун урсалар, сен шафқат кўргузғил, майли урсунлар, нединким, ёш ўғлон илм ва адабни таёқ била ўрганур ва ўз ихтиёри била ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз кўлинг била урмағил, муаллимларнинг таъғи била кўрқутғил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сенин ўғлингнинг кўнглида гина қолмасин. Аммо унинг кўзига ўзининг хайбатлиг кўргузғил, то сени хор тутмасин ва ҳамма сенин кўрқиб юрсин. У бир нарсани орзу қилса, қудратинг етгунча ундин аймағил, то танга ҳаваси била сенинг ўлимнинг тиламасин.

Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмақни мерос қилғил, Агар сен хоҳ унга адаб ўргатғил, хоҳ ўргатмағил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоким дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур.

Оталиқ шартин бажо келтурғилки, фарзандинг вужудга келгондагидек тириклик қилсин, яъни ҳар одамки вужудга келур ва шу кундин эътиборан ҳули ва табияти унга ҳамроҳ бўлур, аммо ул ожизлик ва беқувватлиқдин уни намоен қила олмағусидур. Катта



Ота ва она ҳақини билмақ зикрида

бўлгон сайин жисми ва руҳи қувлат топар ва барча руҳи* ривожланадур, камолга етгондин сўнг тамоми яхшилик ва ёмонлигини зоҳир қилур. Лекин сен адаб, ҳунар ва донишин фарзандингга ўзингдин мерос қилғил, токи унинг ҳаққин бажо келтурмуш бўлгайсан. Чунки хос кишиларнинг фарзандларига адаб ва ҳунардин яхшироқ мерос йўқтур

ва омиё халойқнинг фарзандларига ҳирфа*, пеша*дин яхшироқ мерос йўқдур. Пеша қилмоқ (ўрганмоқ) муҳташамларнинг фарзандларига номуносиб кўринур. Аммо пеша ҳаққикатда барча ҳунарларнинг улугидур. Агар хос одамларнинг фарзанди юз ҳунар билса ва лекин ҳеч касбни қилмас, айб эрмасдур. Ҳунар эса бир кун ишга ярағусидур.

* Мақсум — тақсимланган, бўлинган.
* Раят — тобе халқ.
* Сипоҳ аҳли — ҳарбий кишилар.
* Хилъат — сарпо, уст-кийим.
* Каробит — хуррам-нохуррамлик билан.
* Барча руҳи — ҳамма феъл-атвори.
* Хирфа — савдо, ҳунар.
* Пеша — касб.

(“Қобуснома” китобидан олинди)

Айтишларича, амиралмўъминин Алдидан сўрадиларки, “Фарзандга ота-онанинг ҳақи қанчадур?” Ҳазрат Али деди: “Ҳақ таоло бу адабни Расулнинг ота-онаси ўлимида кўргузди. Нединким, бу ҳазрат ота-онанинг ҳаётлик айёмини топса эрди, уларни ўздан илгари тутмоқ, уларнинг ҳақини билмоқ ва уларга фарзандлик юздан тавозеъ кўргазмоқ вожиб бўлур эрди”.

Бас, ота-онанинг ҳақиға дин нуқтаи назаридан рия қилмасанг ҳам, ақл юздан, мурувват юздан рия қил ва кўргил: ота-она аслида сени жон ва дил била парвариш қилмишлар. Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким, ҳар киши аслини яхшилигин билмас, ўзганинг ҳам яхшилигин билмағусидур. Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким, сен ота-онангга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтига ўқшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур. Ота-онанга иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур.

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимин тиламағилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламағил, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризқ мақсумдур* ва у ҳар йўл

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимин тиламағилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламағил, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризқ мақсумдур* ва у ҳар йўл

Реклама

Хурматли юртдошлар!

"Асака" банк

2016 йил “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

“СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА”

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатлари банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|------------------------|-----|------------|---------------------------|-----|------------|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Кўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- зғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

“Асака” банк — сармоянғиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

AGROBANK

Internet banking
Textorial zamon talabi

Хизматлар сифати ошиб мижозлар сони ортмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган ҳар бир ислохот, энг аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Бу эса ислохот — ислохот учун эмас, балки инсон учун, деган тамойилнинг ҳаётимизда ўз аксини топаётганлигидан далолатдир. Бунинг билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилаётган дастур ва лойиҳаларда янада яққолроқ кўришимиз мумкин.

Хусусан, “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ҳам иқтисодийнинг турли йўналишларини ривожлантириш орқали тараққиётга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунда иқтисодий эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тараққиёт ва юрт фаровонлигини юксалтиришнинг энг мақбул йўлидир. Республикада иқтисодийнинг реал секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга турли имтиёз ва имкониятлар берилётганининг боиси ҳам шунда.

Бугун нафақат шаҳарларимизда, балки марказдан анча олис бўлган чекка туман, қишлоқ ва овуларда ҳам янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилмоқда, шунга мос равишда тадбиркорлик субъектлари сони кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш субъектларини модернизация қилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида жойлардаги саноат тармоқларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилмоқда.

Хусусан, йил бошидан шу кунга қадар турли тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 915 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада жойларда янги тадбиркорлар иш фаолиятини бошлаш билан бир қаторда, кўшимча иш ўринлари яратилди.

Истиклол йилларида халқимиз турмуш фаровонлиги яшиланиб, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди **“MUMTOZ BARAKA INVEST” оилавий корхонаси раҳбари Манзура Омонова**. — Бу эса мен каби ишбилармон-тадбиркорлар учун фаолиятимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Ҳозирда ҳар қайси юртимизимиз истикболли ва мукамал бизнес лойиҳалар асосида ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўймоқчи бўлсалар банклар томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мен ҳам ўз фаолиятимни бошлашда кўпчилик таҳрибали тадбиркорлар билан бамаслаҳат иш тутдим. Улар “Агробанк” АТБ билан ҳамкорликда ишлашни маслаҳат бердилар. Айни шу жараёнда “Агробанк”нинг Бувайда филиали яқин кўмакчи бўлди. Ушбу банкдан 60 миллион сўм кредит олдим. Мазкур кредит ҳисобига сифатли қурилиш маҳсулотлари олиб, туманда аҳолига замонавий умумий овқатланиш масканини бунёд этдик.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида устувор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг замирида республикамизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг оқилона сиёсати ва биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилган Қарор ва фармонлари муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди **“Одина Ҳакима Жасур” хусусий корхонаси раҳбари Ҳакима Давлатова**. — Айниқса, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида юртимизда мулкдор аёллар сони кескин ошмоқда. Мен ҳам оиламнинг, фарзандларимнинг бекаму кўст улғайишини ўйлаб тадбиркорлик этагидан тутдим. Турғи, аёл учун бу иш жуда машаққатли. Мана шу масъулиятни зиммасига олган аёллар эса асло кам бўлаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун “Агробанк”нинг Учқўрғон филиалига молиявий кўмак сўраб бордим. Банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган кредит хизматлари билан танишдим. Натижада бизнес лойиҳамга асосан мазкур банкдан қўнғабўқар мойи ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олиш учун 305 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Ана шу маблағ тўғрисида ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Қолаверса, аҳоли бандлиги учун 4 та янги иш ўрни ҳам яратдик. Ҳозирда кунига 6 тонна қўнғабўқар маҳсулоти қайта ишланиб, 4 тонна мой ишлаб чиқаришмоқда. Корхона томонидан келгусида “Сумбула” ёрлиғи остида қўнғабўқар мойи ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

“Агробанк”нинг ўз ишидан ва афродегаларнинг кўмагидан миннатдор бўлиб, фаолият юритаётган бундай мижозлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Муҳтасар айтганда, мамлакат иқтисодий тараққиётида аҳоли фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган молия муассасаларига тадбиркорлар учун ишбилармонлар ишончининг ошishi муҳим омил бўлмоқда. Ана шундай устувор тамойил асосида иш олиб бораётган “Агробанк” АТБ сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилмоқда.

Ҳайрулла ХОЛТЎРАЕВ
Хизматлар лицензияланган.